



ДОСмга

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2005 йил 3 февраль, пайшанба • 5 (3586)-сон

ФОЛИБЛАР ЭЪЗОЗГА ЛОЙИК



Давр олга қараб шиддат билан бормоқда. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш сари ҳаракатларда милиция таянч пунктлари ҳам маълум даражада ўз вазифасини бажармоқда.

Бугунги кундаги милиция таянч пункти қандай бўлиши керак? Республикаимизда анъ-анага айланиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамгармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг кўшма қарорига биноан милиция таянч пунктлари ўртасида ўтказилаётган кўрик-танловда ана шу савол-

га жавоб олиш мумкин. Танловнинг республика якуний босқичи ўтган шанба куни Ўзбек миллий академик драма театри биносида бўлиб ўтди. Кўрик-танловнинг биринчи ва иккинчи босқичлари жойларда фаоллик билан ташкил этилиб, муваффақиятли ўтказилди. Республика босқичига Корақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 14 та милиция таянч пункти тақдим этилди. Бу

йилги кўрик-танловда хизмат бурчими ўтаётган пайтда қаҳрамонларча ҳалок бўлган профилактика инспекторларининг аёллари, хавфли жиноятчилар билан яккана-якка курашиб мардлик ва жасорат кўрсатган профилактика инспекторлари ҳам рағбатлантирилди.

Голибларга мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари, милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссияси раиси Р. Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари, республика хотин-қизлар кўмитаси


раиси С. Иномова, республика Халқ таълими вазири Т. Жўраев, Республика Ички ишлар вазирининг ўринbosари, полковник З. Бабакалонов, республика Оқсоқоллар Кенгashi ва "Маҳалла" жамгармаси раиси А. Гадойбоев, республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгashi раиси Б. Убайдуллаев ва бошқа масъул ходимлар топширдилар.

Суратда: Андижон вилояти
Кўргонтепа туманидаги
171-милиция таянч пункт про-
филактика инспектори, капитан
Фарҳодбек Султонов.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

УШБУ СОНДА:

ДУНЁ ҲАФТА
ИЧИДА



АКШ



Сулоад



ДУЧА БОЛАЛАРИНИ ЎКИ...



АЗА КУНИДАГИ



Ҳикмат излаганга ҳикматdir дунё

Ҳаётда сен қурашсанг, фойда ё зиён учун,
Ўйламагил ўзингни, дегил: «Бу жаҳон учун».
Жонингни фидо қилиб ёрит ўзгалар ўйин,
Шунда инсон бўласан, яшайсан инсон учун.

Бахтоний.



«Мостда» дагестонининг ишуваси
УЗЧИНЧИ
OLAM

HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ – ДАВР ТАЛАБИ

Ҳадиси шарифлардан бирида “Бешикдан қабргача илм изла” дейилган экан. Ҳақиқатдан ҳам киши ёч қачон ўқишдан, ўрганишдан, изланишдан тўхташи керак эмас. Айниқса, бизнинг учкур, тезкор замонда ходимлар ўз билим ва малакаларини мунтазам ошириб туриши зарурлиги давр тақозосидир.

Хар йили республика ИИВ молия-иқтисод тизими-даги тафтишчиларнинг малакасини ошириш мақсадида семинар ўтказиш анъана-га айланаб қолди. Душанба куни бошланган бу йилги семинар бир ҳафтага мўлжалланган. Республика Ички ишлар вазири ўринбосари полковник Х. Ибрагимов ўқув-семинарини кириш сўзи билан очди. Семинар ишида ИИВ Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи, полковник Ў. Ахмедов ва бошқарма бошлиғининг ўринбосари, полковник Н. Мадалиев иштирок этишти.

Тадбир иштироқчилари дастлаб мамлакатимизда амалга оширилаётган парламент соҳасидаги ва судхукуқ тизими-даги ислоҳотларга бағишинанг мавзуларни тинглашди. Семинарнинг асосий қисмини маҳ-



сус тайёргарлик машгулотлари ташкил этади. Тафтишчилар хузурида республика ИИВ МИБ, Молия вазири, Давлат солик қўмитаси, Бухгалтерлар ассоциациясининг раҳбар ходимлари ва етакчи мутахассислари чиқишилар қилишади. Дастурдан тафтишчилар хизмат фаолиятида дуч келадиган масалаларга таалуки мавзулар ўрин олган. “Ички ишлар идоралари, Ички ва Коровул кўшинла-рига қарашли ҳарбий қисмларни хужжатли тафтиш килишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари ҳамда меъёрий хужжатларни назарий билимларини кенгайтириш, амалий кўнкимларини мустаҳкамлаш, аввалги фаолиятда йўл қўйилган камчиликларнинг бу йил тақорланишига йўл қўйи-

шакил қилиш ва уни ривожлантириш масалалари” каби мавзулар шулар жумласидандир. Тадбирдан кўзланган мақсад тингловчиларни молия-иқтисод соҳасидаги улар фаолиятига оид сўнгги янгиликлардан хабардор қилиш, тафтишчиларнинг назарий билимларини кенгайтириш, амалий кўнкимларини мустаҳкамлаш, аввалги фаолиятда йўл қўйилган камчиликларнинг бу йил

ликдир. Узлуксиз таълимнинг самарали шаклларидан бири бўлган ушбу ма-лака ошириш семинари си-новлар билан якунланади. Барча имтиҳонларни муваффакият билан топширилганларга белгиланган намуна-даги гувоҳномалар топширилади.

Ўз мухбиризим.
Суратларда: семинар-дан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СЕМИНАР

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария Бош бошқармасида республикамизда ветеринария хизмати ва ички ишлар идоралари карантин тадбирларини таъминлаш бўйича саф бўлинмалари томонидан эпизоотик-эпидемик ҳолатни барқарорлашириш борасида 2004 йилда амалга оширилган ишлар якуни ва 2005 йилда бажарилиши лозим бўлган вазифалар бўйича семинар-йигилиш бўлиб ўтди. Унда Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Давлат ветеринария Бош бошқармаси, вилоят бошқармалари бошлиқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ карантин тадбирларини таъминлаш бўйича саф бўлинмаларига раҳбарлик қилиш бўлими ва бошқа тегишли соҳа вакиллари иштирок этишиди.

Семинар-йигилишда Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги давлат ветеринария Бош бошқармаси бошлиғи Т. Омаров сўзга чиқиб, ўтган йилда мамлакатимизга кўшни бўлган айрим давлатларда одамлар, чорва моллари, парранда ва бошқа ҳайвонлар орасида турли хил ўта хавфли юқумли касалликлар таракалганини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссияси қабул қилган қарорлари ижросини таъминлашда ҳамда касалликларни худудимизга кириб келишининг оддини олиш борасида кўплаб

ишлар қилинганилиги ўзининг ижобий самарасини берганлиги таъкидлади.

Шунингдек, кўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудларга ўрнатилган карантин масканларида ички ишлар идоралари, ветеринария, ДСЭНМ ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан туну-кун хизмат йўлга кўйилгани, эпизоотик-эпидемик ҳолати ноҳуш хисобланган республикалар билан чегарадош ҳудудлардаги аҳоли, жамоа хўжаликлари ва ташкилотларда мавжуд бўлган йирик ва майда шохли ҳайвонларни ёппасига эмлаш ташкилластирилгани, жойларда профилактик ишлар олиб борилганини таъкидланди.

Навбатдаги масала юзасидан Республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ бўйим бошлиғи, подполковник М. Мазанов жойлардаги ветеринария хизматлари ҳамда ички ишлар идоралари карантин тадбирларини таъминлаш саф бўлинмалари билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар ҳакида гапирди. Жумладан, у белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилганини айтиб ўтди. Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида ветеринария-санитария қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ўтказилган тадбирларда қонунбузарлик қилган 37484 нафар фуқарога жарималар солинганини таъкидлади.

Йигилиш якунида 2005 йил давомида мутасадди хизматлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Сарварбек ҚОСИМОВ.

Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллиги муносабати билан ўзлон қилинган амнистия тўғрисидаги Фармони жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларга Фармоннинг моҳияти ва қўллаштартиби бўйича учрашувлар бўлиб ўтди.

Жумладан, полковник М. Абдуллаев раҳбарлик қиладиган муассасада ҳам бу тадбирни ўшқоқлик билан ўтказиш бўйича маҳкумларнинг колония раҳбарияти билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Президентимиз томонидан қабул қилинган ушбу Фар-

моннинг мазмун-моҳияти, инсонпарварлик тамойилларига асосланганлиги, озодликдан маҳрум қилинганларнинг эртаниги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилганлиги тўғрисида атрофлича тушунча берилди.

Муассаса бошлиғи, полковник М. Абдуллаев Фармонни маҳкумларга тадбиқ қилиш жараёнини ўшқоқлик билан ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирлар ва масъул ходимларга тегишли топ-

шириклар берилганилиги хакида гапиди.

Хозиргача ушбу муассасада жазо муддатини ўтаётган 20 нафарга яқин маҳкум амнистия бўйича озодликка чиқди. Кўплаб маҳкумларнинг жазо муддатлари қисқартирилди. Фармонинг ўз вақтида, аниқ, тўғри бажарилиши борасида масъулиятни англаб, муассасамизда барча ишларни амалга ошираймиз.

**Бобоқул ШАМСИЕВ,
капитан.**

МАСЬУЛИЯТНИ АНГЛАБ

“Постда” газетасида ўтказилётган “Истеъодд” танлови ниҳоясига етди. Ички ишлар идораларида фаолият кўрсатиб, иход қилаётган ходимлар, фахрийлар ва юртдошларимиз иқтидорини аниқлаш мақсадида ташкил этилган ушбу танлов ўзлон қилингандан бери йигирмадан ортиқ шеърлар, ўнлаб детектив хикоя ва сурат-лавҳалар ёритилди. Ҳайъат аъзолари уларга баҳо беришида асарнинг ўзига хослиги, пишиқ-пухталиги, маҳорат билан ёзилгани, имкон қадар ички ишлар ҳаётини акс эттирилганига эътиборни қаратди. “Энг яхши шеър” йўналишида факат ички ишлар ходимлари ва фахрийлар қатнашгани сабабли муаллифларнинг иходий қобилияти ҳали профессионал даражада бўлмаслиги мумкинлиги инобатга олинди.

“Энг яхши детектив хикоя” ийниши бўйича: 1-ўрин – Навоий вилояти ИИБ матбуот бюроси катта инспектори, капитан Нигора РАҲИМОВАга, “Дийдор ғанимат” шеъри учун. 2-ўрин – Республика ИИВ Ички қўшилнларининг шартнома асосидаги ҳарбий хизматчиси Юлдуз ҲАҚИМОВАга, “Сиз ўзгани сизлаган кеч” шеъри учун. 3-ўрин – Ички ишлар идоралари фахрийиси Абдураим ИБОДОВга, “Ўзбекман” шеъри учун. 4-ўрин – Сарварбек Қосимов, “Сен тинчлик элчисисан, кабутар” сурат-лавҳаси учун. Голибларни самимий кутлаймиз.

ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Ҳакимжон ЮНУСОВга, “Исиричи аёлнинг ҳийласи” детектив ҳикояси учун.

3-ўрин – Тошкент вилояти ИИБ ЙХХБ жамоатчилик билан алоқа боғлаш бўлими катта инспектори, майор Ислорхўжа САЙДИКАРИМОВга, “Қиморга тикилган ҳаёт” детектив ҳикояси учун.

“Энг яхши сурат-лавҳа” ийниши бўйича: 1-ўринга лозим топилмади. 2-ўрин – ИИВ Бирлашган таҳририята фотомухбири Абу КЕНЖАЕВга, “Мен ҳам дадамдек була-ман...” сурат-лавҳаси учун.

3-ўрин – Фарғона шаҳрида яшовни Ш. ҚОРАБОЕВга, “Сен тинчлик элчисисан, кабутар” сурат-лавҳаси учун. Голибларни самимий кутлаймиз.

Таҳририят.

«ИСТЕЪОД» ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

йўлланган асарлар юкори савида талқин этилмаганлиги түфайли улардан бирортаси биринчи ўринга муносиб деб топилмади.

Шундай қилиб, қўйидаги муаллифлар танлов ғолиби деб топилди:

**“Энг яхши шеър”
ийниши бўйича:**

1-ўрин – Навоий вилояти ИИБ матбуот бюроси катта инспектори, капитан Нигора РАҲИМОВАга, “Дийдор ғанимат” шеъри учун.

2-ўрин – Республика ИИВ Ички қўшилнларининг шартнома асосидаги ҳарбий хизматчиси Юлдуз ҲАҚИМОВАга, “Сиз ўзгани сизлаган кеч” шеъри учун.

3-ўрин – Ички ишлар идоралари фахрийиси Абдураим ИБОДОВга, “Ўзбекман” шеъри учун.

“Энг яхши детектив хикоя” ийниши бўйича: 1-ўринга лозим топилмади. 2-ўрин – Транспорт ИИБ

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

УЧИНЧИ ШАХС ЯРАЛАНДИ

Чеченистондаги Минтақавий тезкор штабдаги баъзи манбаларнинг хабар қилишича, Россия федерал кучлари маҳсус бўлинмалари дала қўмондони Доку Умаровнинг бўлинмасини зарарсизлантириш бўйича операция ўтказишган. Масхадовнинг собиқ Мудофаа вазири бўлган бу шахс сўнгги пайтларда Басаевга бўйсунар эди.

Қисқа тўқнашув чоғида жангарилар жиддий талофат кўриши. Ҳалок бўлган экстремистлар орасида Умаровнинг энг яқин ёрдамчиси Султон Вагапов ҳам бор эди. Аммо тўдабошини тутишнинг иложи бўлмади.

Кейинроқ Доку Умаров тўқнашув чоғида яралангани ҳақида маълумот олиниди. Унинг жароҳати жиддий. Сафдошлари малакали шифоқор излашти. Унинг Ингушетияда яшаётган қариндошлари каттиқ хавотирда. Доку Умаров жангарилар бошликлари ичда Масхадов ва Басаевдан кейинги учинчи шахс.

Чеченистондаги дастлабки жанговар ҳаракатлар чоғида у Руслан Гелаев отрядида жанг қилган эди. 1996 йил ёзида Грознийни мудофаа қилган 30 нафар чечен милиционери ва ҳарбийларини қатл қилишда иштирок этди. Ҳозирги кампанияда эса 10 кишилик гурӯхга бошчилик қилиб, Рамзан Аҳмадов кўл остида фаолият кўрсатди. Сўнг уни Грозний учун масъул этиб тайинлашди – шахсан ўзи Чеченистон пойтахтидаги қайси обьектларга хужум қилишни белгилар эди.

ҚИДИРУВ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТЯПТИ

Россиянинг Транспорт прокуратураси “Кафор” балиқчилик кемаси Приморье қирғоқларига яқин жойда ҳалолатга учрагани ҳолати бўйича жиноят иши қўзгатди. Ҳозирча тергов жараёнида кема Япониядаги Ваканай портидан Россия байроби остида Жанубий Кореянинг Пусан порти томон йўлга чиққани аниқланди.

Океанда юз берган тўфон кема капитанини йўналиши ўзгартиришга мажбур қилди. Шунда машина бўлимида 4 метр узунликда ёриқ пайдо бўлди. Маҳаллий вақт билан соат 11.45 да кема чўкиб кетди. Капитан фалокат ҳақида сигнал юборишга ва экипаж аъзоларига кутқарув нимчаларини кийиш тўғрисида кўрсатма беришга улгурди.

Ўтказилган операция чоғида 13 нафар денгизчини кутқарышга муваффақ бўлинди. Шунингдек, уч кишининг мурдаси топилди. Экипажнинг яна тўрт нафар аъзосининг тақдирни ҳозирча номаълум.

Кутқарув тадбирида Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Ан-26 ва ИЛ-38 русумли самолётларидан фойдаланилди. Ҳозир кема капитани ва кутқарилган экипаж аъзолари сўроқ қилиниб, фалокат тафсилотлари аниқланяпти. Чегарачилар экипаж аъзолари браконьерлик фаолияти билан шуғулланган бўлиши ҳам мумкин деб тахмин қилишти.

ҚАМОҚҲОНАДА ҒАЛАЁН

Сешанба куни кечкурун Ироқнинг Басра шахри яқинидаги “Кэмп Букка” қамоқҳонасида сақланаётган ҳарбий асиirlар исён кўтаришди. Бунга лагерь қўриқчилари контрабанда ашёларини излаб тинтуб ўтказгани сабаб бўлди. Махкумлар соқчиларга тош отишди, қўлбola совуқ куроллар билан қуролланиши.

Қамоқҳонада 5 мингдан зиёд ҳарбий асиirlар сақланади. Улардан уч мингга яқини исёнда иштирок этишди. Америкалик ҳарбий хизматчилар 45 дақиқа давомида уларни тинчлантиришга уриниб музокаралар олиб бориши. Натижада бўлмагач исёнчиларга қаратса ўтишди. Оқибатда тўрт нафар маҳкум ҳалок бўлди, олти киши яраланди. Ярадорларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилди. Қамоқҳонадаги тартибсизлик ва маҳкумларга нисбатан курол ишлатилиши ҳолати юзасидан текширув ўтказилипти.

БОЛАЛАРНИНГ ҚОТИЛИ ЎЛДИРИЛДИМИ?

Баъзи хабарларга караганда, Шомил Басаев ўлдирилган. У Будёновск ва Бесланда қонли террорчилар ҳаракатлари содир этилишига раҳбарлик қилган. Басаев шу йил январ ойида Чеченистоннинг тогли тумнларидан бирида жанговар тўқнашув чоғида ҳалок бўлган деб тахмин килинмоқда. Басаев чечен жангарилари ва ёлланма жангарилар гурӯхи ўртасидаги отишма пайтида ўлдирилган деган тахминлар ҳам бор. Тўқнашув чоғида ундан ташқари яна бир неча жангари йўқ қилинган



бўлиши мумкин.

Шимолий Кавказдаги жангарилар жипслашган-дек кўринса ҳам, маҳсус хизматларнинг маълумотларига қараганда турли гурӯхлар, масалан, Масхадов тарафдорлари ва Басаевчилар ўртасида келишмовчилар, низолар мавжуд. Чеченистоннинг ўзида ҳам дала қўмондонлари молиявий маблағлар тақсимоти устида тез-тез талашиб туришади.

АВИАФАЛОКАТ

Буюк Британия Мудофаа вазирлиги Ироқда юз берган авиафалокат туфайли камида 15 нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлганини тасдиқлади. Вокеа маҳаллий вақт билан соат 17.25 да Боғдоддан 32 км шимоли-ғарбда содир бўлди. Ҳозир самолёт кулаб тушган жойда АҚШ ва Буюк Британия Куролли Кучлари ходимлари ҳалокат сабабларини ўрганишти. Англиялик журналистларнинг сўзларига қараганда, авиафалокат юз берган пайтда ҳаво очик бўлган. Демак, самолётни жангарилар уриб туширишган бўлиши ҳам мумкин. Ҳозирча Мудофаа вазирлиги вакиллари бу борада аниқ фикр билдиришмаяпти.


ПОРТЛАШЛАР

Грузиянинг Тбилисидан 100 км узоддаги Гори шаҳрида ўлка полицияси биноси портлатилди. Портлаш маҳаллий вақт билан соат 15.30 да юз берди. Шаҳар маъмурияти вакилларининг айтишича, қурбонлар ва ярадорлар бор. Аммо ҳозирча уларнинг сони аниқ эмас.

Мамлакатнинг “Рустави-2” телеканали хабар қилишича, беш киши: уч полициячи ва иккى ўловчи ҳалок бўлган. 20 киши яраланган, улардан 12 нафари оғир ахволда.

Вокеа жойига етиб келган Грузия Мудофаа вазири эса уч полиция ходими ҳалок бўлгани, тинч аҳоли вакилларидан 13 нафари яраланганинни хабар қилди. У жумладан: “Юз берган кучли портлаш тасодифий ҳодиса эмас. Уни мамлакатда тинчлик-хотиржамлик хукм сурини кўролмайдиган кимсалар уюштирган”, – деди.

Душанба куни эрталаб Тоҷикистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) биноси олдида ҳам кучли портлаш қайд этилди. Портловчи қурилма ўрнатилган “Волга” машинаси парча-парча бўлиб кетди. Автомобиль ҳайдовчиси



вокеа жойида ҳалок бўлди. Дастребаки маълумотларга қарандан, вазирликнинг ўнга яқин ходими ва портлаш юз берган жойдан ўтиб кетаётган йўналишили таксидаги бир неча ўловчи яраланганди.

Гувоҳларнинг ҳикоя қилишларича, портлаш юз беришдан бир неча дақиқа олдин “Волга” машинаси ФВВ биноси яқинидаги вазирлик ходимларининг автомобиллари учун мўлжалланган майдончага келиб тўхтаган. Кўпорувчиликдан сўнг машинанинг пачақланган бўлаклари 100 метр гача узоқликка отилган. Яқин-атрофдаги биноларнинг ойналари синган.


Вокеа жойига етиб келган эксперплар портлаш кучи 1,5 кг тротил эквивалентига тенглигини айтишиди. Мустақил кузатувчиларнинг айтишича, бу хатти-ҳаракатлар 27 февральда ўтказиладиган парламент сайловлари арафасида вазиятни издан чиқаришга қаратилган. Баъзи эксперплар содир этилган қўпорувчилик Тожикистонда фаолияти тақиқланган “Хизбут-тахрир” партиясининг иши бўлиши мумкин, деб тахмин қилинмоқда. Чунки сўнгги йилларда мазкур экстремистик ташкилотнинг ўнлаб аъзолари ҳисбга олиниб, узок муддатларга озодликдан маҳрум этилди.

ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯДА НИМА ГАПЛАР?

Ҳойнаҳой, Янги Зеландия Ер шарининг сейсмик жиҳатдан энг фаол жойларидан бири бўлса керак. Бу ҳудудда ҳар йили 14 мингдан зиёд зилзила қайд этилади. Аҳоли эса улардан ўтарча 150 тасинигина пайқашади, холос. Уларнинг ўнтаси одамларга жиддий зарар етказади.

Энди бу заминнинг сейсмик фаоллиги янада ошяпти. Масалан, биргина 18 январь куни ўн соат ичада мамлакат пойтахти Веллингтон шаҳрида етти бора ер ости силкиниши қайд этилди. Уларнинг энг кучлиси Рихтер шкаласи бўйича 5,3 баллни ташкил этди. Орадан уч кун ўтиб яна ер силкиниши қайд этилди. Уларнинг энг кучлиси бўлиб, 5,5 балл эди.

Сешанба куни эрталаб тағин ер қимирлади. Бу гал силкиниш кучи Рихтер шкаласи бўйича 5,4 баллни ташкил этди. Шу куни Тайваннинг шимолий-шарқида ҳам 5,2 балли зилзила юз берди. Бир қарасангиз, умуман она сайёрамиз тиним билмаётгандек. Шунингдек, 31 январда Олтойда ҳам ер силкиниши қайд этилди. Тогли Олтойда 2003 йил кузидан бўён жами мингдан зиёд зилзила юз берди.



Маърифат дарси



Жаҳон адабиётига катта хисса қўшган улуг шоир ва ёзувчилар қаторида буюк бобомиз Алишер Навоий ҳам тилга олинади. Фазал мулкининг султони, деб таърифланадиган бекиёс, беназир шоирнинг адабий мероси ҳалқимизнинг катта бойлигидир.

Алишер Навоийгача туркӣ, яни ўзбек тилида ҳам фазаллар ёзилган. Бирок Навоий айрим адабиётчиларнинг ўзбек тилида ёзилган фазаллар, гўзал ва жарангдор чиқмайди, деган эътирозларини пучга чиқариб, ўша даврда одат тусига кирган форсий тилида битилган шеър, фазал ва достонлар-

АЛИШЕР НАВОИЙ - ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ СУЛТОНИ

дан қолишмайдиган, балки айрим жиҳатларда устуноқ бўлган асарлар битади. Бу билан у ўзбек адабий тилининг асосчилиаридан бири сифатида намоён бўлади.

Тарихдан маълумки, Алишер Навоий улуг шоирлар, тарихчилар, олимлар яшаган даврда туғилиб, вояга етди. Унинг беш ёшлигидан шеърлар ёзгани ҳақида маълумотлар бор. Болалидаги шеърларни аксарияти ҳам ўзбек тилида ёзилган. Машхур шоир Лутфий Алишер Навоийни болалигидан учратиб, унинг шеъридан бир байтини эшишиб юқори баҳо берган ва келгусида улуг шоир бўлиб етишишини айтган эди.

Алишер Навоий ўттиздан ортиқ бадиий ва илмий асарлар, ахлоқда оррисолалар яратган. У қолдирган адабий мөрсенинг катта қисми лирикадир. Саъдий, Ҳофиз, Деҳлавий, Низомий қаби шарқ шоирлари, Ҳоразмий, Сайфи Сароий, Отойи, Саккокий, Лутфийдек ўзбек мумтоз адабиёт намояндадарининг адабий анъаналарини давом эттириди ва ривожлантириди. У лирик шеъриятнинг мавзуви доирасини кенгай-

тириди, хилма-хил жанрларда ёзилган шеърларидан инсоннинг хис-түйгуси, руҳий кечинмалари, орзу интишилари, ҳаёт ва табият лавҳаларини фоът юксак даражада бадиий тасвирлади. Ўзбек лирикасини янги погонага кўтарган хассос шоир озарбайжон, тоҷик, туркман, турк ва бошқа ҳалқлар лирик шеъриятининг тараққиётига катта тавсир кўрсатди.

Навоий бой маънавий ҳазина яратиб қолдирди. Ўзбек тилида ёзилган 45 минг мисрага яқин шеърларини ўз ичига олган "Ҳазозин-ул Маоний" ("Маънолар ҳазинаси") ва форс-тоҷик тилидаги 12 минг мисрадан зиёдроқ шеърлар тўплами "Девони Фоний" ана шу ҳазинанинг асосини ташкил этади. Унинг гўзал шеър ва фазалларида севги, садоқат, вафо, дўстлик, шафқат, марҳамат, Ватанга, ҳалқа муҳаббат, гуманизм, ҳалқлар дўстлиги, инсоф, адолат, меҳнат, маърифат одоб, саховат, ҳалоллик, шодлик, табият кўрки тараннум этилади. Шу билан бирга ўз замонасидаги зулм ва истибoddан нолиш, адолатсизлик,

инсофисизликни қоралаш, разолат, жаҳолатни фош этиш каби масалалар ҳам ўрин олган.

Алишер Навоий эпик шоир, яни достоннавис сифатида ҳам тилга олинади. Унинг "Хамса"си жаҳон адабиётининг ўлмас асарлари қаторидан ўрин олди, ҳамасилик анъанасида улкан бир ходиса бўлди.

Беш достондан иборат "Хамса"ни яратища шоир ҳалқ оғзаки ижодиёти бойликлари, афсонлари, эртаклари, қўшиқлари, мақол ва ҳикматли сўзларидан кенг фойдаланди. Шунинг учун ҳам бадиий жиҳатдан энг мукаммал ҳамса сифатида эътироф этилади. Навоийнинг устози, форс-тоҷик адабиётининг машхур намоёндаси Абдураҳмон Жомий бу эпик асарга жуда катта баҳо беради. Шу давргача "Хамса" яратганларни майдонда қолдирив кетди, деб таърифлайди.

Алишер Навоий шеър ва фазалларининг жаҳон адабиётидан мустаҳкам ўрин олиб, кўплаб тилларга таржима қилиниб, севиб ўқилишининг сабаби, уларда инсоний

ликинг улуг фазилатлари моҳирлик билан тасвирланади. Кишиларни ана шу фазилатларга эга бўйшига қафиради.

Кимки бир кўнгли бузукнинг хотирин шод айлагай, Онча борким Каъба вайрон бўлса обод айлагай.

Бирор нарсага муҳтоҗнинг жоҳатини чиқарган, ёрдам берган, мискинларга муруват кўрсатган, бошига мусибат тушганди ёнида бўлган, кўнгли ўқиска ширин сўз билан далда берган киши Каъба, яни Аллоҳнинг ўйи вайрон бўлса, уни қайтадан тиклаганчалик савобга, улуғликка эришган билан баробардир.

Мана, неча асрлар ўтибиди ҳазрат Навоий бобомизнинг газаллари қўшиқка айланаб, уни деярли ҳар куни эши тамиз. Навоий ҳақидаги ёки бу улуг мутаффакир қаламига мансуб китоблар кирмаган ўзбек хонадонини топиш кийин. Ҳар гал унинг ғазалларини тинглагандан ёки ўқиганда янги маъно туямиз, пурхикмат сўзларнинг мағзидан баҳраманд бўламиз.

Буюк маърифатпарвар шоир Алишер Навоий давлат арбоби сифатида хизмат қилаётган даврда юрт ободончилиги катта аҳамият берган. У бош бўлиб қаздирган каналларнинг бир қисми ҳанузгача сақланиб, об-ҳаёт улашяпти. Ҳудди шунингдек, унинг адабий мероси ҳам ҳалқимизнинг битмас-туганмас маънавий бойлиги сифатида қалбларимизга қашма бўлиб оқмоқда.

Сиёсий-ижтимоий сабок

Сиёсат-ҳаётнинг ўзига хос мухим соҳаси. Ҳамма ҳам сиёсат билан шуғулланавермайди. Айримлар сиёсий фаолият билан қизиқсалар ҳам, уни ўрганишга вақт тополмайдилар. Айни вақтда сиёсатдан четда туришни истайдиганлар ёки бу тушунарсиз соҳа, деб ўйладиганлар ҳам топилади.

Сиёсатга бўлган муносабат инсон ёши билан боғлиқ ҳолда ўзгариб бориши кузатилган. Ҳар бир фуқаронинг қасб-кори, мутахассислигидан қатъи назар сиёсий фаолият билан бевосита ҳамда бильосвата фаол шуғулланши, унинг иштирокчисига айланисини давр талаб қилмоқда.

Сиёсат билан шуғулланган шахс ўзига хос сиёсий дунё-қарашга эга бўлиб, жамиятдағи сиёсий жараёнларга баҳо бера олади. Аксинча, сиёсат инсонлар билан шуғулланса, инсонда унга нисбатан "тобелик" руҳияти устуворлик қиласи. Демократик таймайларга асосланган жамият ҳар бир шахс сиёсат субъекти сифати, сиёсий жараёнда бевосита иштирок этишидан манбаатдор.

Сиёсат билан шуғулланган шахс ўзига хос сиёсий дунё-қарашга эга бўлиб, жамиятдағи сиёсий жараёнларга баҳо бера олади. Аксинча, сиёсат инсонлар билан шуғулланса, инсонда унга нисбатан "тобелик" руҳияти устуворлик қиласи. Демократик таймайларга асосланган жамият ҳар бир шахс сиёсат субъекти сифати, сиёсий жараёнда бевосита иштирок этишидан манбаатдор.

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига эга бўлиб, унинг асосий элеменитлари сиёсий тажриба;

Хориж тажрибасидан

Америка Қўшма Штатларида терроризмга қарши кураш билан бир қатор идоралар шуғулланади. Улар орасида энг йирикли Давлат департаменти, Марказий разведка бошқармаси (МРБ), Федераль тергов бюроси (ФТБ) ва Мудофаа вазирлигидир. Бунда Давлат департаменти мамлакатнинг халқаро терроризмга қарши миллий сиёсати, дастурлари ва кураш усууларини ишлаб чиқади. Унинг таркибида халқаро терроризмни бартарап этиш бўйича давлат стратегиясини ишлаб чиқиш ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликни амалга ошириш билан шуғулланувчи маҳсус бўлим мавжуд. Бўлим бошлиги терроризм бўйича идораларро ишли гурухга бошлилик қиласди. Миллий аксиллерор сиёсатини ишлаб чиқиш, жумладан, қонунчилик ташаббусларини тайёрлаш ушбу гурух вазифалари доирасига киради. Бундан ташқари, бўлим ҳамкор мамлакатларда терроризмга қарши кураш бўйича мутахассислар тайёрлаш, шунингдек кураш усууларни ва шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш билан шуғулланади.

Терроризмга қарши кураш бўйича етакчи ташкилот хисобланган ФТБ, МРБ ва бошқа разведка хизматларининг асосий вазифаси мамлакат ичиди ва хориждаги вазиятни тезкор кузатиб боришдан иборат. Бу турли усуулар – агентура ишини ташкил этиш, техник воситалар ва ахборот-таҳлил идоралари фаолиятини такомиллаштириш, бошқа мамлакатлар маҳсус хизматлари билан ҳамкорликни кучайтириш ёрдамида амалга оширилади. Терроризмга қарши кураш бўйича Бирлашган марказни молиялаштириш микдори йилдан йилга ошмоқда. Токио метросида юз берган фожиа-йўловчиларни газ билан заҳарлашга ўхшаган воқеаларнинг олдини олиш борасида ҳам кўп ишлар килингани.

2001 йил 11 сентябрда Нью-Йоркда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида содир этилган террорчилек ҳаракатлари халқаро терроризмга қарши кураш масаласига янам жиддийроқ эътибор берилишига туртки бўлди. Ўша йили 8 октябрда АҚШ Президенти Жорж Буш Ички хавфсизлик бошқармаси (вазирлиги)ни таъсис этиш

ҳақидаги Фармонни имзолади. Бу ҳукумат тузилмаси зиммасига аксиллерор стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш чораларини мувофиқлаштириш вазифалари юкланди. Шу куни ёки Пенсильвания штатининг собиқ губернатори Томас Ридж янги тузилган идора раҳбари этиб тайинланди. Унга ҳукумат аъзоси (вазир) мақоми берилди. Ички хавфсизлик вазирлиги янгидан ташкил этилган, Президент раислик қиласига киради. Ички хавфсизлик кенгаси билан яқин алоқада фаолиятни ташкилди. Кенгаш таркибига эса ҳукумат аъзолари ва бошқа юқори марта-

терроризмга қарши курашга ҳам тўғри келади.

Транспорт, озиқ-овқат, сув таъминоти тизимларини, муҳим иншоотларни мустахкамлаш ва химоялаш ҳам юқоридаги вазифалар сирасига киради. Содир этилиши мумкин бўлган террорчилек ҳаракатлари чоғида нималар қилинишини ҳам аниқлаб олиш лозим. Бизнинг фаолиятимиз аниқ мақсадларга йўналтирилган бўлиши керак. Биз корпоратив манфаатларни эмас, мамлакат манфаатларини химоя қилишимиз лозим. Ва ниҳоят, Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизни химоя қилиш баробарида озодлигимизни, эркинлигимизни химоя қиласми.

Томас Ридж ўзи бошчилик

билиш борасидаги имкониятларимизни тўғри чамалашни тақозо этади. Иккинчиси – ҳамкорлик. Биз вазирликлар ва идоралар, федераль миқёсдаги ва жойлардаги ташкилотлар, давлат ва хусусий шўйбалар ўртасида очиқ алоқаларни йўлга кўйишимиз лозим. Бизнинг фаолиятимиз аниқ мақсадларга йўналтирилган бўлиши керак. Биз корпоратив манфаатларни эмас, мамлакат манфаатларини химоя қилишимиз лозим. Ва ниҳоят, Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизни химоя қилиш баробарида озодлигимизни, эркинлигимизни химоя қиласми.

қандай нуқтасида фаолият кўрсатиш имконини бермоқда. Бу ўз навбатида ҳукукни муҳофаза қилиш идоралари нинг ташвишини ортириди. Шунинг учун уларнинг ҳар бири ўз аксиллерор стратегиясини ишлаб чиқишига мажбур бўлди.

АҚШ қонунларига кўра ҳар қандай террорчилек сиёсий ёки ҳарбий хатти-ҳаракат эмас, жиноят ҳисобланишини алоҳида таъкидлаш керак. Шунинг учун ҳам террорчилек ҳаракати содир этилган жойга биринчи бўлиб полициячилар етиб келиши лозим.

Ички терроризм ҳолатлари бошқа ҳоллардан тубдан фарқ қилас-да, полициячилар вазифаларида умумий жиҳатлар бор: ҳар қандай вазиятда ҳам улар воқеа жойи, фуқаролар ва ўзларининг хавфсизликларини саклашлари лозим бўлади.

Полиция хизматлари аксиллерор режалари тузишида террорчиларни кўлга олиш ёки йўқ қилиш чоғида полициячилар, тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлган ҳолатларни алоҳида машғулот мавзулари қилиб киритадилар.


Қарши зарба муваффакиятили бўлиши учун унда маҳсус зарба берувчи бўлинмалар, мерганларга қарши ўти очиш нуқталари, одамлар гаровга олинган тақдирда музокаралар олиб бориши лозим бўлган гурух кўзда тутилади.

Лос-Анжелесда террорчилек ҳаракатлари ҳақида олдиндан огоҳлантирувчи гурух (TEW) фаолият кўрсатади. Унинг асосий вазифали кўйидагилардан иборат: 1) юз бериши мумкин бўлган хавфни излаб топиш; 2) маҳсус тенденцияларни назорат қилиш; 3) террорчилек хуружини бартарап этишга масъул бўлган раҳбарга ёрдам бериш учун ходиса қандай тус олиши мумкинлигини олдиндан таҳмин қилиш.

TEW шунингдек, террорчилек қарши курашувчи ходимлар, терговчилар ва раҳбарларни тайёрлайди. Бу гурух таркиби полициячилар, ўти чириувчилар, тибиёт ходимлари, шунингдек ноҳукумат ташкилотларнинг маслаҳатчилари киради.

Терроризмга қарши муваффакиятили курашиш мақсадида энди полиция сафига кираётгандардан тортиб, энг юқори мансабли полициячиларга маҳсус тайёргарликдан ўтишиди. Бу машғулотлар деярли ҳар куни барча бўлинмаларда бўлиб ўтади. Уларда терроризмга қарши кураш бобида катта тажрибага эга бўлган полиция фахрийлари иштирок этиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашишиади.

Машғулотлар чоғида террорчилар ўз мақсадларига этиш йўлида ўлимга ҳам тайёр эканликлари ҳисобга олинади. Шунинг учун маҳсус аксиллерор курслари полициячиларга жиноятчиликнинг фанатиклиги, жамият учун қандай катта хавф тугдиришини чуқур англаш имконини беради.




бали амалдорлар киришади.

Томас Ридж вазирлик олдига бир қатор аниқ вазифалар қўйилгани, уларни бажариш учун етарли даражада ваколатга эга эканлигини таъкидлади. Гап авваламбор, терроризмга қарши самарали кураш ва эҳтиёт чоралари ҳақида кетяпти. Бу эса биринчи галда ишончли ахборотлар ҳамда аниқ разведка маълумотларига эга бўлингандагина эришиш мумкин. "Кучбилимдадир" деган мақол

қилаётган маҳкама ҳақида шундай деган эди: "Биз ўз фаолиятимизда бир неча асосий тамойилларга таянамиз. Биринчидан, ҳалоллик. Агар муаммо мавжуд бўлса, уни хас-пўшламаслик, аксинча ҳал қилиш йўлларини излаш, ҳақиқатга тик қараш керак. Фақат шундай иш тутилсагина тўғри қарорга келинади. Олдимизга кўйилган кечикириб бўлмас вазифалар биздан муаммоларни бор бўйи билан кўришни, уларни ҳал эта

Эркинлик фуқароларимизга тақдим этишимиз мумкин бўлган энг қимматли неъматdir. Террорчилар ундан қаттиқ қўрқишиади, 11 сентябр куни айнан уни йўқ қилишга уриннишди. Биз Америка ҳалқининг эрки, озодлиги асосларини химоя этиш йўлида хизмат қиласми, террорчиларнинг ўзимиз одатланган турмуш тарзимизни бузишларига йўл қўймаймиз. Бу ҳаракатимиз Ички хавфсизлик идорасида бошланади. Аммо кейин турли даражаларда бутун Америка ҳалқининг иштироки талаб этилади. Бу ҳаракатда мамлакатимизнинг барча фуқаролари қатнашилари керак. Мен американликларни сабр-тоқатли, қатъиятили бўлишга чақираман. Мазкур вазифа умуммиллий сайд-ҳаракатни тақозо этади".

Қўшма Штатларда узок йиллар терроризмга қарши кураш полициянинг асосий вазифаси саналмасди. Бу масала билан кўпроқ ФТБ ходимлари шуғулланишарди. Полициячиларнинг асосий дикъат-эътибори эса одатдаги жиноятларга қаратилган эди. Янги технологиялар террорчиларга дунёнинг ҳар



Бошқарма ва бўлимларда

Сўнгги йилларда ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар, хукуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш унга қарши кураш, содир этилган жиноятларни фош этиш борасидаги изланишлар, иш юритишнинг янги услублари ижобий самара бермоқда. Халқимизнинг ҳукуқий дунёкарачи юксалиб бориши, фуқароларнинг ўз ҳақ-хукукларини теранроқ англай бошлашлари ички ишлар ходимларидан янада изчилроқ ишлаш, фаолиятнинг янги усул ва кўринишларини ҳаётга тадбиқ қилишни талаб этмоқда. Шу маънода ички ишлар идораларида амалга

ётган услубий қўлланмалар, ўтказилаётган семинар ва ўкув машгулотлари уларнинг янада билимли, мамлакати бўлишларига олиб келяпти. Киши қайси соҳада ишлашидан қатъи назар уни астойдил, меҳр билан бажариши лозим. Бир қарашда ишимизда ҳеч бир қийинчилик йўқдек кўринади, лекин унга чукурорк назар солсак, у катта масъулият талаб этади. Чунки биз бир сўз билан айтганда, инсонлар ҳаётига, тақдирига, ёшлар келажагига, демакки, мамлакат келажагига масъулмиз. Ички ишлар тизимида олиб борилаётган ислоҳотлардан сўнг, хизматда алоҳида ажрабиб турган, ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, қаҳрана

сий ҳамда криминоген вазиятдан ўз вақтида хабардор бўлиш, тегишли идоралар билан биргаликда таъсир кўрсатиш билан бирга фуқаролар хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлашдир. Мухтарам Президентимиз ички ишлар идораларининг халқимизга энг яқин бўлган вакили – профилактика инспекторларига алоҳида эътибор берил: "Маҳаллада бирор ҳодиса рўй берса, одамлар қаёқка боради? Кимга мурожаат қиласи? Албатта профилактика инспекторига. Шу боис, биз уларни энг аввало алоқа воситалари, шарт-шароитлари мавжуд бўлган хизмат хоналари билан таъминлашмиз керак", деган эдилар.

дан ер майдонлари ажратилмоқда, айрим жойларда эса эски, фойдаланимаётган бинолар таъмирланиб, милиция таянч пункти талаблари асосида қайта курилди, мослаштирилмоқда. Қурилиш, таъмирлаш ишларида ва зарур анжомлар билан жиҳозлашда ҳомийлик қилган ташкилотлар, корхоналар, ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, мутасадилар бу хайрли ишлар аввало юртимизда тинчлик ва осойишталиники сақлаш учун қилинаётганини чукур хис этганлари учун ҳам масканлар шаҳар, қишлоқ кўркига кўрк кўшадиган дараҷада бунёд этилмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асо-

ратилган. Улар зарур анжомлар билан жиҳозланган бўлиб, 7883 та маҳаллага намунали хизмат кўрсатилаётгани, ҳамда республикадаги 1600га яқин маҳаллаларда умуман жиноят қайд этилмагани, муқаддам судланган шахслар, аёллар ва вояга етмаганлар иштирокида содир этилаётган жиноятлар сони сўнгги йилларда сезиларли даражада камайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Қонунбузарларни жазолаш эмас, уларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш орқали имкон қадар жиноятларнинг олдини олишга ҳаракат қилинайпти. Бир сўз билан айтганда, профилактика инспекторлари халқ билан ҳам-

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИНИНГ

оширилаётган туб ислоҳотлар ва милиция таянч пунктларида ишни ташкил этиш юзасидан Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари эълон қилингани айни муддао бўлди. Ҳозирги кунда милиция таянч пунктлари бевосита маҳаллалар ҳамда турар жойларда жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш максадида профилактика, патруль-пост, йўл ҳаракати хавфсизлиги, тезкор ва бошқа хизматлар, шунингдек, маҳалла оқсоқоли, фаоллар, маҳалла посбони, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ва кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Ички ишлар идоралари барча соҳаларининг ходимлари ўз ишини маҳалладан, милиция таянч пунктларида хизмат қилаётган профилактика инспекторлари билан ҳамкорликдан бошлашга эришилмоқда. Чунки ахолининг асосий қисми маҳаллаларда яшайди, ҳамма бир-бiriни яхши билади. Бегона ва нијати бузук кимсалар дарҳол кўзга ташланади.

Рус педагоги А. Макаренко "Болалар бизнинг кексалигимиз. Яхши тарбия – бизнинг баҳти келажагимиз, ёмон тарбия – бўлгуси фам-аламларимиз, бошқа одамлар олдидағи, бутун мамлакат олдидағи айбимиз демак", – дея айтган сўзлари бугун ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Шу нуқтаи назардан қараганимизда мақолада қайд қилинган қизчанинг тақдирига ўхшаш мисоллар оз бўлса-да ҳар бир шаҳар, туман, маҳаллада учраб туриди. Кўча-кўйда, жамоат жойларида, оромгоҳларда, интернет, компютер ўйналадиган биноларнинг олдида ўқувчи болалар папирос чекиб ёки бир-бирига ахлоқсиз сўзлар айтиб, сўқиниб турса кўпчилик лоқайдик билан ўтиб кетаверади. Нари борса "миллиса ҳам, мактаб ҳам ишламайди-да" дейдилар, холос. Ҳолбуки, бундай салбий воқеаларга шу ернинг ўзида аралашиб, танбех бериш эсларига ҳам келмайди. Натижада вояга етмаганлар орасида хукуқбузарлик, айрим ҳолларда жиноятчилик оз бўлса-да ошиб бормоқда. Бундан бир неча йиллар олдин дўйонларда 18 ёшга тўлмаган ўсмирларга спиртли ичимлик ёки папирос сотилмасди. Бугун эса, уларнинг ўзи шу нарсаларни сотмоқдалар. Дарсдан қочиш катта шов-шувларга сабаб бўларди. Бугун-чи? Баъзида ўқувчилар дарс пайтлари компютер ўйнгоҳларида турли ёвузликлар, бола ёшига мос келмайдиган ўйинларни томоша қилмоқдалар. Бу мисоллар турмушда кундалик шароитда учраб турадиган холатларга айланаб бормоқда. Бу ҳақиқат, ундан кўз юмиб бўлмайди. Юкоридаги салбий кўринишлар нега содир бўлмоқда? Уларга қарши курашда кимлар ўз вазифаларини бажармайтишлар? – деган саволларга жавоб топиш учун айни бир-биримизнинг гарданимизга юклаш эмас, ҳар ким ўз ўрнини, бурчини аниқ белгилаб, ёшлар тарбиясига муносиб улуш кўшишимиз керак.

Шуни унумаслик керакки, ёмон бола бўлмайди, аксинча ёмон ота-она бўлади. Айтишларича, гўдак туғилгач, бир кунда отасини, уч кунда онасини танир экан, бу дегани гўдакнинг зехни, фаҳми, умуман сезувчанлик қобилияти шунчалар кучлики, нимани илласа, ўша нарса бир умр қалбига, онгига муҳрланиб қоларкан. Шунинг учун ҳам донишмандлар "куш уясиди кўрганини қилади" деганлар.

Фарзандлар тарбиясида оила-ўзиға хос ҳаётин мактаб. Ҳар бир оила ўз шароитига мос келадиган тартиб, қоиди асосида иш юритади, унинг кундалик ҳаётини бошқаради. Ҳар бир оиласининг ўз анъаналари, ўз қонунияти бор. Жамиятимиз оила заминида шаклланади, унинг аъзолари-фарзандлари ота-она бошқарувида жамиятнинг чинакам дилбандлари бўлиб етишади. Шунинг учун ҳам боланинг ҳулқатвори, хатти-ҳаракатига қараб, унинг ота-онасига баҳо берилади. Ота-оналар фарзандларига намуна. Оиласида ота-она ўртасидаги самимий хурмат, меҳрумҳаббат, назокат ва уят, андиша, ҳаёв ибо, ўзаро маслаҳат фарзандларга

ўрнак намунаси. Жанжал-тўполон, ўзаро ишончсизлик бўлган оиласардан кут-барака кўтарилади, фарзандлар ўз ота-оналарини хурмат қилмай қўядилар боланинг олдида ота, қизнинг олдида она ичкиликка берилса, оз вақтдан кейин фарзандлар ҳам шунга ўрганадилар. Қизнинг олдида ярим ялангоч юрган ота, ўғилнинг рўпарасида упа-элик суреврадиган она ҳаёв ва ибо тўғрисида маслаҳат бермаганлари маъқул. Чунки бу мунофиқона ҳаракатлар тарбияга дарз етказади, болаларга кор қилмай қолади.

Бундай оиласардаги фарзандларни хукуқбузарлик ва жиноят кўчасига кириб кетишидан асрар учун уларнинг ота-онасига ҳар то-

ги болалар етакчилари, ота-оналар кўмиталари аъзолари, ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш инспекторлари, маҳалла фаоллари ёрдамига суюниб, ҳамжиҳатлиқда ҳаракат дастурларини тузиб, уларнинг холисона ёрдамига таянсалар, ижобий натижаларга эришадилар.

Тарбияси қийин болалар муаммоси доимо тарбияси қийин катталар, ҳулқатвори нобоп, нопок ҳаёт кечи-рүчи нотинч оиласар масаласи билан боғлиқ дедик. Тўғри, катталарнинг ахлоқи ножӯя бўлса, болага юқади. Аммо нега энди баъзи ўсмирлар дўст излаб спорт майдончаси ёки мактабдан ташқари муассасаларга, кутубхона ёки тўғракларга бормай, кўчада санқишиди, иложи бўлса пул топиб, интернет, компьютер, видео салонларга бориб истаган ишини қилиб, хоҳлаган ўйини-

лар ўтказиш, маҳаллалараро, кўчалараро, мактаблараро турли мавзуларда учрашувлар, мусобақалар уюштириш учун аввало ташаббускорлик, ижодкорлик зарур. Болаларга чинакамига меҳр керак.

Шу ўринда бир масалага алоҳида ургу бериши истардим. Йил давомида республикадаги мактабдан ташқари муассасалар кўплаб тадбирлар ўтказади, миллионлаб сўмлар харажат қилинади. Бу жуда яхши, аммо самараси қандай? Бундай тадбирлар ҳақиқатан ҳам истеъодлар сафини кенгайтироқмадами? Ўқувчиларнинг кенг қатламига етиб бораёттимизми? Булар ҳақида ўйлаб кўриш керак.

Одатда, республика миқёсидаги тадбирларга аввал мактаб, мактабдан ташқари муассасалараро, шаҳар ва туманлараро танловлар ўтказилиб, вилоят босқичида республика боруви голиблар аниқланиши, шу тадбирларда минглаб ўқувчилар иштирок этишлари кўрсантилган, асли мақсад ҳам шунда. Амалда республика босқичида қатнашувчи голибларни болалар эмас 2-3 кун қолганда маъсъул ходимлар ҳал қиласди. Натижада болаларнинг ишлари билан минглаб ўқувчиларни таништириш, катта залларда концертларини уюштириш, ўқувчилар қули билан ишланган расмлар билан вилоят, шаҳар, тумандаги мактабларнинг барча ўқувчиларини таништириш катталарнинг хаёлига ҳам келмайди. Шунинг учун ҳам юзлаб ёш иқтидор эгаларининг номи чиқмай қолаверади. Бизнингча, республика миқёсида қолипга тушиб қолган номи улуғ, супраси курук тадбирлар сарфланаётган маблағларни вилоят, шаҳар, туманларга қаттиқ назорат остида тақсимлаш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Болалар интернет, компьютер, видеосалонларга кетишиларини тўхтатмоқ учун мактабларда болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган тадбирлар ўтказиш, бунинг учун ташаббускор раҳбарлар керак. Болалар майдончаларида ноқонуний курилган товуқхона, гаражларни ўқотиб бу жойларни болаларга қайтариш зарур.

Болаларнинг йўл ҳаракати қоидларига амал қилмаслиги натижасида кўплари майиб бўлиб, гоҳида ҳаётдан кўз юммоқдалар. Бунинг асосий сабабларидан бири – шахримиз мисолида айтишимиз мумкин, деярли барча қўча четларидаги йўлаклар ўз эгалари томонидан эгаллаб олиниб, курилиш қилинган ёки темир панжаралар билан ўраб олингани ва болалар кўчанинг ўртасидан юришга мажбур бўлаётганидир. Ўйнайдеса майдончалари бўлмаса, юрай деса йўлаклар темир қафаси чида бўлса, уйидаги аҳвол юкоридагича, мактаб, мактабдан ташқари муассасалардаги тўғраклар яхши таассурот қолдирмаса, болалар нима қилишлари керак? Ҳозирги даврда улар тарбияси билан шугулланувчи ташкилотлар сони кўпайиб кетган бўлса-да ҳар қайсиси ўзича ҳаракат қилмоқда. Бу муассаса ва ташкилотлар ҳамжиҳатлиқда Юртбошимизнинг "мактаб, лицей ва коллежларда болаларимизнинг онгини юксалтириш, уларни ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиладиган турли ташкилот ва тўғраклар тузиши керак. Улар ўғил-қизларимизни ўзлигини англеша, мустақил, онгли фикрлашга ўргатиши, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслиги лозим" – деган сўзларини дастуруламал билиб, болалар қалбига йўл топишлари фарзу қарзидир.

Қўзи ДАВЛАТОВ,
истеъоддаги подполковник,
Хоразм вилояти.

«КЎЧА БОЛАЛАРИ»НИ ЎЖИБ...

монла-
ма таъсир ўтказиш за-
тур. Иш жойида, маҳаллада муҳокама
қилиш уларга маҳалланинг обрўли ки-
шиларидан, мактаб педагогларидан
оталиқ қилувчи кишилар биркитиб
қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Бу
тадбир қоғозда эмас, амалда бўлсагина
ижобий натижага беради. Ота-онаси-
ни тўғри йўлга солсак, қанчадан қан-
ча фарзандларимизни тарбиясизлик
гирдобидан кутқариб қоламиз.

Бу ўринда яна бир муҳим масалага
эътибор қартишни ҳаётнинг ўзи та-
коzo қилмоқда.

Хар бир мактаб ўқувчиларининг ота-
оналари орасида камиди 4-5 нафар
хукуқшунос ёки хукуқ-тартибот тизи-
миди ишловчи ходимлар бор. Тўғри,
уларнинг ўзларига яраша ишлари кўп.
Лекин ойда 1-2 марта вақт топиб, ўй-
лари, иш жойлари яқинидага жой-
лашган мактаблар-
даги

ни ўйнайди,
чет эл жангари фильмларини
томоша қиласди? Кўча эса ўз қону-
нига, ўз "ахлоқ кодекси"га эга. Шунинг
учун ҳам кўча ёш жиноятчанинг "бош-
лангич" мактабига айланаб қолади.

Шунинг учун ҳам болаларнинг синф-
дан ва мактабдан ташқари бўш вақ-
тини мазмунли ташкил қилиш "кўча
болалари"нинг сони камайишга ёрдам
беради. Бу ишда мактабдан ташқари
муассасалар асосий марказ бўлиши,
мактаблардаги тўғракларнинг ишларини
ташкил қилишнинг услубий не-
гизига айланиси зарур. Афсуски, бу
вазифани улар талаблар даражасида
бажармаётлар. Масалан, Урганч
шахрининг ўзидаги икки вилоят, икки
шахардан ташқари муассасаларда
150 тўғрак раҳбарлари 6 мингдан
зиёд болалар билан машгулотлар
ўтказиши зарур. Шаҳар ички
ишлар бўли-



хабар ол-
салар, синфларда
бўлиб, ўқувчилар ўртасида хукуқбузар-
ликнинг бор-йўклиги билан қизиқса-
лар бу фойдадан ҳоли бўлмас эди.
Зеро, ўқувчилар, ота-оналар хукуқ-тар-
тибот идоралари ходимларига бош-
қача кўз билан қарайдилар, улар тим-
солида адолатпарвар ҳалоскорларни
қўрадилар. Агар бу ходимлар сафига
ички ишлар тизими фахрийларини
ҳам жалб қилгудек бўлсак, нур-устига
нур бўлади.

Бу ишларнинг ташкилотчиси ким
бўлиши керак, деган саволга ҳеч ик-
килансадан мактаб директорларини
маънавий-маърифий ишлар
бўйича ўринбосарлари деб жавоб бер-
иш мумкин. Агар улар мактабларда-

мид профи-
лактик ҳисобда турган 60 на-
фар бола шу муассасалар раҳбарла-
рининг буйруқлари билан ҳар бири
бир тўғрак раҳбарига биркитилган.
Амалда эса болалар тўғрак раҳбар-
ларини танимайдилар ҳам. Бу даргох-
ларда якшанба кунлари болалар
кўплаб тўғракларда банд бўлишлари
керак. Ўтказилган кузатувлар шуни
қўрсатдикли, якшанба куни ишлайдиган
тўғраклар сони бармок билан санар-
ли, болалар сони 40-50 нафардан ош-
майди. Мактабларнинг спорт майдон-
чалари, спорт заллари, кутубхонали-
ри, болаларнинг етакчилари хонала-
ри куфл ёки бўм-бўш.

Шахардаги Ал-Хоразмий, Ал-Беру-
ний, Жалолиддин Мангуберди, Ого-
хий, "Авесто" каби қадамжоларга са-
ҳатлар ўютириши, мазмунли сұхбат-
лар ташкил қилиш, қизиқарли тадбир-

Табиат ва инсон

Сўнгги пайтларда табиат гўёки исён кўтаряпти. Куррамизнинг gox у нуқтасида, gox бу нуқтасида турли табии оғатлар юз бериб турибди. Сув тошқинлари, ер силкенишлари, қор бўронлари инсоният бошига кулфат ёғдирмоқда, уй-жойлар, турли иншоотлар вайрон бўляпти. Мутахассислар обҳаво, иқлиминг кескин ўзгаришларини турлича изоҳлашяпти. Аммо бу хилма-хил фикрлар, қарашларнинг бир умумий жиҳати бор. У ҳам бўлса инсоннинг фаолияти, фан-техника тараққиёти, саноат, қишлоқ хўжалиги юксак суръатлар билан ривожланиши оқибатида экология, табии мувознатнинг бузилаётганлигидир.

Биз кўпинча инсоният табиатни ўзига бўйсундиряпти, космосни забт этди, океан тубини тадқик қилияпти, не-не дарёларни жиловлади, саҳроларни ўзлаштириди дея мақтанамиз. Лекин ўзимиз ҳам шу она табиатнинг фарзанди эканлигимизни бъзан унтиб қўямиз. Балки, кетма-кет юз берагетган табии оғатлар биз учун ўзига хос огоҳлантиришдир?! Айниқса, яқинда Жануби-Шарқий Осиёда юз берган цунами ҳали-ҳануз кўпчиликнинг ёдидан кўтарилигани йўқ.

Фожиа кутилмаганда юз берди. Дастребки кучли тўлқиндан кейин сув орқага қайтди. Қирғоқда кўплаб балиқлар қолиб кетди. “Болалар балиқларни тутгани югуришди. Қайтиб уларни тирик кўрмадим”, – дейа ҳикоя қиласи Пенанг оролилик 15 ёшли қиз Сити Файруз.

Шри-Ланканинг Гелле шаҳридаги одамлар Гонконгда чиқадиган South China Morning Post газетасига берган интервюларида: “Тўлқин денгиз қирғоғига бир дунё балиқ чиқарип ташлади. Одамлар буни кўриб пляж томон югуришди. Шунда улар устига янайм кучли тўлқин ёпирилди”, – дейиши. Кудратли тўлқин экологик тизимни бузди, маржон рифларини кўчириб оқизиб кетди.

Цунами юз берган ҳудудлардаги сувости оламини тиклаш



«ДЕНГИЗГА ҚАРАГАНИ ҲАМ ҚЎРҚАМИЗ...»



учун 10-50 йил керак бўлади. Гонконгдаги Ocean Park Conservation Foundation (OPCF) илмий-тадқиқот маркази асосчиси ва директори Сюзанна Жендрон шундай баёнот берди. “Айнан маржон рифлари балиқлар учун табии озука бўлиб хизмат қиласи. Агар улар қирилиб кетса, мамлакатнинг қирғоқ бўйи туманлари иқтисодининг асосини ташкил этувчи балиқчилик хавф остида қолади”, – дейа таъкидлади у.

Жендроннинг сўзларига қараганда, сувости дунёсини тиклаш ишлари фақат Таиландда бошлаб юборилди. Бошқа мамлакатлар ҳали шошилишмаяпти.

“Довуллар ва цунамилар жаҳон океани учун хос табии ҳодиса. Табиат ўзини-ўзи тиклаб олади. Энг хавфлиси, тўлқинлар қирғоқдаги қанчадан-қанча ахлатни ювиб кетди. Энди бу чиқиндилар маржон рифларига ўтириб қолиб, сувда яшовчи жоноворларни қиради”, – дейди илмий-тадқиқот фонди директори.

Цунамидан омон қолганлар ҳали-ҳануз бутунлай ўзларига келганлари йўқ. “Биз ҳудудимиз тинч, хавфсизлигига, бу ерда зилзилалар юз бермаслигига, вулқон отилмаслигига ўрганиб қолган эдик, – дейди ижтимоий тараққиёт Миллий маркази бош директори Ньютон Перера. – Энди эса ўлкамизда табии оғатлар ҳам юз бериши мумкинлигини, шунда аҳолига ёрдам беришга тайёр бўлишимиз лозимлигини доимо эсда тутишимиз лозим”.

Фожиадан кейин шунча пайт ўтган бўлса ҳам, аксар балиқчилар овга чиқишга чўчилашяпти.

“Биз ҳатто денгизга қарагани ҳам қўрқамиз”, – дейди уларнинг баъзилари.



ТАБИИЙ ОҒАТ ЮЗ БЕРСА...

(ФОЙДАЛИ ТАВСИЯЛАР)

Табиий оғатлар, одатда, одамларни ваҳимага солиб қўяди. Ҳатто аҳолиси сейсмик мудофаага ўргатилган Япониядек мамлакатда ҳам одамлар барibir шошиб қолишади. Фавқулодда ҳолатларни бошқариш бўйича АҚШ Федераль агентлиги табиий оғатлар чоғида хавфсизлик қондалари борасида маҳсус тавсиялар ишлаб чиқди. Куйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Зилзилалар чоғида нафакат бинолар бузилади, балки ёнғинлар ҳам юз бериб, катта талофат кўрилади. Мабодо ер силкениши ҳақида хабар топсангиз, бинодаги барча иссиқлик узатиш, сув ва электр таъминоти тармоқларни ўчиринг. Ҳар бир қаватда ўт ўчиричлар бўлсин. Мўри ва том соз ҳолатда эканлигини текширинг. Қандил, чироқ, суратлар, кўзгу каби осиб қўйиладиган буюмларнинг яхши илинган-илинмаганини бир қур кўздан кечириб чиқинг. Каравотларни бундай буюмлардан, деразалардан узокроқса суринг. Баланд мебеллар, китоб жавонларини мустаҳкамроқ ўрнаштиринг.

Ер силкениши юз берган пайт бино ичидаги бўлсангиз, ташқарига югуриб чиқишига уринманг, яхшиси эшик ўрнига ёки мустаҳкам стол тагига киринг. Эшик ва деразалардан эҳтиёт бўлинг. Эшик-деразаларни очик қолдирингимкон туғилса, ташқарига қочиб чиқасиз. Зилзила пайтида кўчада бўлсангиз, бинолардан узокроқда юринг. Машинада кетаётган бўлсангиз уни тўхтатинг, кўприклар ва эстакадалардан эҳтиёт бўлинг.

Сув тошганда оқимни кесиб ўтишга уринманг. Табиий тепаликларга етиб олишга ҳаракат қилинг. Илон, чаён каби хавфли жоноворлардан эҳтиёт бўлинг. Ҳеч қачон сув ўртасида қолган бино ичига кирманг, тўсатдан ўй бузилиб, сизни том босиб қолиши мумкин. Электр ўтказгичларидан сакланинг.

Бўрон юз берганда ертўла ва шу каби ишончли жойларга яширининг. Агар уйингизнинг ертўласи бўлмаса, бино ўртасидаги, эшик-деразалардан узокроқда жойлашган хоналардан ҳам шу мақсадларда фойдаланиш мумкин. Жамоат биноларида бўлганингизда ҳам эшик-деразалардан узокроқда туринг. Бўрон пайти полга ётиб, бoshingizni кафтларингиз билан бекитинг.

Машинада бўлсангиз, торнадони қувиб ўтишга ҳаракат қилманг. Яхшиси машинани тўхтатиб, ундан чиқиб бирор пана-пастқам жойга яширининг.

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили



Бир пайтлар хурмо (араб мамлакатларида ўсадигани) тансик мева хисобланарди. Ҳозир эса дўконларда сероб. Шунинг учунни бу мевага унча эътибор бермай кўйганмиз. Ваҳоланки, у табиий дармондориларнинг кони.

Табиатда хурмонинг кўплаб навлари бор. Уларни ранги (сарик, қизил, оч жигар ранг, тўқ жигар ранг, қора), таъмига кўра фарқласа бўлади. Баъзилари силлик, айримлари дағал бўлади. Мазаси конфет, асал ёки ёнғоқни эслатадиганлари учрайди. Қадимги араб мақолига кўра, хурмо дарахти “оёғи” (яъни илдизи) сувда, боши осмону фалакда – олов (офтоб дейилмоқчи) ичидан бўлишини хуш кўраркан. Меваси пишиб етилгани сайин куруклашиб, мулоимлашиб, шираға тўлиб бораверади.

ДАРАХТДА ПИШАДИГАН «КОНФЕТ»

Янги узилган хурмоларни ташиб чоғида урениши мумкин. Шунинг учун уларни пича қуритишади. Бу жараёнда оқсил, углевод, ёғ микдори камаймайди, аксинча бир неча баробар ошади.

Хурмо таркибида юқоридағи органик бирикмалардан ташқари темир, фосфор, мис, марганец, магний, калий каби фойдалар, кўплаб дармондорилар мавжуд. У хусусан сүяқ учун зарур бўлган кальцийга бойлиги жиҳатидан олма, апелсин ва бандандан ўтса ўтадики, қолишмайди. Унинг таркибидаги фтор тишларимизни емирилишдан, селен эса саратон касаллигидан асрайди, қаршилик қобилиятимизни ошириб, юрак хасталиклари га чалиниш хавфини камайтиради. Хурмо унчалик тўйимли эмас, аммо кўриб турганингиздек, фойдалар кони. Шунинг учун озиш масадида пархез саклаётгандар уни ширинлик ўрнида еса бўлади.

Бу мевани қадимдан ошқозон-ичак хасталикларини даволашда тавсия этишган. Масалан, унинг юпқа пардаси қабзиятни даф қилиб, овқат ҳазм бўлиш йўлларини тозалайди. Мунтазам хурмо истеъмол қиласангиз, ичагингизда фойдали бактериялар тўпланидади.

Ичагингиз фаолиятини яхшилаш учун 5 дона хурмони ярим литр сувда бир неча дақиқа қайнатиб, ҳосил бўлган қайнатмани илик ҳолда эртади.

Лаб ва кечқурун ичинг. Ҳар куни 5 дона хурмо еб, устидан бир стакан илик сув ичиш ҳам фойдали.

Хурмо таркибидаги аминокислоталарнинг 20 фоизини глутамин кислотаси ташкил этади. У ортичча ошқозон кислотасини даф қилиб, жигилдон қайнашининг олдини олади. Араблар хурмони сариёғга омихта қилиб ҳам ейишади.



Бу бежиз эмас. Сабаби, мева таркибидаги углеводлар ёғнинг ҳазмини осонлаштирунган.

Хурмо кувватга бойлиги бўйича барча қуруқ мевалардан устун. У оқсилга бойлиги билан ҳам ажралиб туради. Шоколад ва конфетлардан фарқли ўлароқ у организмга чинакам кувват багишлиайди. Таркибида В₅ дармондориси мўл бўлгани учун спортиларга фойдали – мушакларни катталаштиради. Глюкоза ва втурух дармондориларга бой бўлганлиги сабабли ақлий меҳнат билан шуғулланувчи ларга тавсия этилади.

Таркибида шакар ва ёғ моддалари сероб бўлгани учун уни кунига 15 тадан ортик емаган маъкул. Юз йилдан кўп умр кўрганларнинг аксари ҳар куни бир неча дона хурмо истеъмол қилганлар.

Шарқ табобатида хурмо ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар учун энг яхши егулилардан бирни ҳисобланади. Чунки унинг таркибидаги элементлар кўкрак сутини кўплаб фойдали дармондориларга тўйинтириб, бола организми ривожланишини тезлатади, қаршилик қобилиятини оширади.

Дўйондан хурмо сотиб олаётганингизда қачон етиштирилгани ва идиши зич ёпилганига эътибор беринг. Ҳўл хурмо тез айнидиди. Сиз қуруқ, уринмаганидан сотиб олинг. Уни полизитен пакетда эмас, яхшиси қозох халтада сакланг.

Кучингиз кўпайишини истасангиз, ҳар куни овқатдан сўнг 10-15 та хурмо енг. Камида ярим литр сут ичинг. Айни пайтда, албатта, жисмоний машқларни ҳам бажаришингиз шарт. Орадан қирқ кунлар ўтиб куч-куватингиз ошиб бўраётганини ҳис қиласиз.

Камқонликдан азият чекадиганлар нонуштага сут, қаймок ва хурмо тановул қилсалар, бунинг фойдаси катта. Қабзиятдан қийналадиган қишилар ухлашдан олдин 4-5 та хурмо еб, бир стакан қайнатилган сут исчалар, даррдан холос бўладилар.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

ЙЎТАЛСАНГИЗ – ШАР ПУФЛАНГ

Йўталдан қийналиб кетдингизми? Унақада шар пуфланг. Бу шунчаки ҳазил эмас. Сурункали бронхитга чалингандар ҳар куни шар пуфлаб турсалар, аҳволлари енгиллашиши мумкин.

КЕКСАЛАРГА ЯЁВ ЮРИШ ФОЙДАЛИ

Киши ёши ўтгани сайин ақли хиралашиб бориши мумкин. Бунинг олдини олиш учун кунига камида уч километр яёв юриш керак. Пиёда сайд этишининг юрак ва саратон хасталикларининг олдини олишга ёрдам бериши эса илгаридан маълум.

ТИРНОҚ – СОҒЛИҚ КЎЗГУСИ

Тирноқларингиз қалинлашиб ёки мўрт бўлиб қолса, демак саломатлигингиз яхши эмас. Бундай ҳолда овқатингиз таркиби кальций (бодом, анжир, хурмо, сут маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, апелсин ва сабзи шарбати), темир (тухум сариги, анор, дуккаклилар), рух (балик), магний ва марганец (гуруч, банан)га бой бўлишига эътибор беринг.

ДОРИЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!



Дори-дармонлар кундан-кунга чиройли идишлар ва рангдор кутиларда, турли ёқимли ҳид ва таъм берувчи моддалар кўшилган ҳолда чиқарилмоқда. Бу эса табиатан ҳар нарсага қизиқувчан болаларнинг эътиборини ўзига тортади. Баъзан катталарга тақлид қилиб, баъзан оддий қизиқувчанлик сабабли улар ўзларича дориларни истеъмол қиладилар. Бу эса дорилардан заҳарланишга, аллергия ва баъзан ўлим ҳолатларига олиб келмоқда.

Беш ва уч ёшли ақа-ука онаси уларга бераётган ферроплекс дорисини олиб, кўп микдорда истеъмол қиладилар. Оқибатда ақа оғир заҳарланиш натижасида касалхонада вафот этади. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Юқоридагига ўхаш бахтсизликлар юз бермаслиги учун катталарнинг жиндаккина эътибор билан иш тутиши кифоя. Баъзи ҳолларда эса тажрибасиз, ёш оналар “билағон” катталарнинг маслаҳатига қулоқ тутиб, шифокор тавсия этмаган дорилар билан болаларни даволамоқчи бўладилар. Ваҳоланки, мутахассис ҳар бир беморга дори тавсия этишдан олдин куйидагиларни эътиборга олади:

- препарат боланинг ёшига, касалига тўғри келишкелмаслиги (масалан, аспирин ўткир респиратор вирусли инфекцияларига қарши қўлланилса, жуда оғир рей синдромини келтириб чиқариши мумкин);

- бир хил дори препаратлари турли кўринишда чиқарилганда уларни истеъмол қилиш микдори ҳам турлича бўлиши (масалан, ферум-лек дориси ҳапдори, сироп ва томчи кўринишларида чиқарилади. Уларнинг қабул қилиниш микдорини фақат шифокор аниқлаб беради);

- баъзи бир дорилар биргаликда қабул қилинганда (қўлланилганда) салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлиги, дориларнинг бир-бiri билан ўзаро таъсири;

- болаларни даволашда дорилар микдори уларнинг фақат ёшини эмас, балки вазнини ҳам ҳисобга олган ҳолда тавсия этиш зарурлиги. Дори тавсия этишининг жуда кўп нозик жиҳатлари борки, бу уларни фақатгина шифокор мутахассис тўғри баҳолай олади.

Дориларни сақлаш ва қабул қилишнинг оддий қоидаларига риоя этиш нохуш оқибатларнинг олдини олади. Ҳар бир хонадонда дорилар учун маҳсус ажратилган кути ёки жавон бўлиши керак. Бу жой қоронфи, салқин ва болаларнинг қўли етмайдиган бўлиши лозим.

Ичиладиган ва суриладиган дори воситалари кутининг алоҳида-алоҳида бўлмаларида сақланади. Бу эса шошилинч пайтда хатога йўл кўйишнинг олдини олади. Вакти-вақти билан дориларни кўздан кечириб, сақлаш муддати ўтган, яроқсизларини ташлаб юбориш керак. Кўча-кўйда руҳсатсиз сотилаётган дориларни асло сотиб олманг. Беморни фақат мутахассис шифокорнинг тавсияси билангина даволаш мумкин. Буни ҳеч қачон унумтман!

Сурайё АБДУЖАББОРОВА.

Турмуш чорраҳаларидан

Тобутни кўтариб келаётган оломон ичидан кимдир фарёд кўтарди-ю шилқ этиб ерга ўйқилди. Бу ҳолатга кимдир эътибор берди, кимдир йўқ. Чунки марҳуманинг яқин кишиси бўлса керак, айрилиқка чидай олмай ҳушини йўқотди, деб ўйлашди. Тобутни машинага солиб бўлишгач, азадор хонадон олдида саноқли одамларгина қолди. Шундагина ерда қонга беланган эркак киши ётганини кўриб қолиши. Бир зумда қий-чув кўтарили. Ердаги одам юзтубан ётарди. Унинг олдига боришга ҳеч кимнинг юраги дов бермасди. Сен бор, мен бормайман, деб туршиган бир пайтда узоқдан келаётган ички шилар ходимига қўзлари-туши. Улар орасидан кимдир ўша томонга югуриб кетди. Ички шилар ходими етиб келиб, қонга беланиб ётган йигитни обдон кузатиб, ҳали ча-лајсон эканлиги, "Тез ёрдам" чақириши кераклиги иайтиб, ўзи эса қўлидаги рация орқали навбатчилик қисмига хабар берди.

Бир зумда "Тез ёрдам" машинаси ҳамда тезкор-тергов гурухи воқеа жойига етиб келди. Экспертлар жабланувчи ни расмга олиш, шифокорлар эса унга сунъий ҳаво бериш билан банд. Шунда шифокор йигитнинг жони узилганини билдири. Мутахассислар жасадни обдон текшириб, кимдир ўткир тифли нарса билан юрагининг орқа томонидан санчланлиги, кўп қон йўқотиб вафот этганини аниқлашди. Эндиғи навбат марҳумнинг шахсини аниқлаш ва жиноячини кўлга олиш эди.

Азага келганларни суриштириш, ҳолатни аниқлаш қийин бўлмади. Бироқ буни ким қилиши мумкинлигини ойдинлаштириш жумбоклигича турарди. Бирма-бир тергов килингандар асосан эркак кишилар бўлиб, улар ичидан катта-кичиклар, қариндош-урулар, маҳалладан келганлар обдон текширилди. Калаванинг уни топилавермагач, марҳум ҳақида маълумот йиғиш кераклигини тушунган терговчи биринчи навбатда онасини сўроқ қилди.

— Кизим аввалги турмушидан ажраб кетганди. Бир нафар қизи бор. Ажрашгандан кейин бир йилча менинида ўтири. Савдо-сотик иши билан шугулланаман, деб биздан анча-мунча пул талаб қилди. Биз зўрга кўл учуда тириклик қиласардик. У талаб қилган пулни беролмаганимиздан кейин кимдандир пул олиб, тижорат билан шугуллана бошлади. Кизим тезда ўзгариб кетди. Аввалги Нозимадан асар ҳам қолмади. Боласи билан ҳам иши йўқ. Мен қарип қолганман, неварамга қарай олмай, эрига бериб юбордим. Бола бечора онасининг меҳрига зор бўлиб ўсаяти.

У яқинда бир йигит билан танишиб қолганини айтганди. Тез-тез у билан "командировка"га бирга кетяпмиз, деб иккичу кунлаб йўқ бўлиб кетадиган одат чиқарди. Отаси, ака-укаларига айтольмайман. Унинг тарафуни олаверби чарчадим. Ўғил болалар гапнингизга кулок тутиб туришмай бир зумда дўппослашиди.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Жондор тумани ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати катта инспектори, капитан

Камол ҲАЙИТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.

маълумот сўради. Азага келганлар орасида ўша йигит ҳам бўлган, деган гумони борлигини айтди. Аввалига Аббос тутокиб кетди. Сўнг ўзини анча босиб олди шекилли, уни кўрганлигини тан олди.

— Синглим бир йигит билан танишиб олгани, у билан пинхона яшаётганини эштиб қолардим. Бироқ ўз кўзим билан кўрмаганим учун ишонмадим. Бир куни уйга ул-бул ҳарид қилиш мақсадида бозорга боргандим. Синглимни бир йигит билан бемалол эр-хотинлардек кўлтиқлашиб, бо-

онамдан ҳам хабар олмай қўйгандим. Икки ойдан ошди, бугун келиб туриман, ота ҳовлимга. Аммо ўша жасад синглим билан учрашиб юрган йигитники эканлиги аниқ.

— Сиз нима деб ўйлайсиз, уни ким ўлдириши мумкин? — деб сўради терговчи.

— Мен қаердан билай. Бирорларни суриштириш сизнинг вазифангиз. Сизга маслаҳатим, бизнинг оиласи тинч қўйинг. Унингиз ҳам бошимизга тушган мусибатдан одамлар юзига қарай олмаяпмиз. Сиз ҳам эркак кишииз

роқ албатта ўтаман, — деди Аббос.

Иккаласининг сұхбати тугасмасдан бир машинада кўзлари олазарак йигитлар пайдо бўлишиди. Улар Аббосни бир четга чақириб, нималардир дейишиди. Аббосга гаплари ёқмади шекилли, уларни газаб билан кузатиб қўйди.

Чўнгагидан сигарет олиб, асанини тинчлантириш учун узун-узун тортди. Анча вақт ўша ерда туриб, сўнг терговчининг олдига келди.

— Ха, ука, мемонлар ёқмайдиган гап қилиши шекилли?

— деди терговчи унга синчковлик билан тикилиб.

— Тижорат ишлари билан келишибди, савдо соҳаси шунақа-да, — деди ўзини зўрга тутиб.

— Майли, ишингиз бароридан келсин, эртага бизнинг ишхонамизга бир ўтинг, ош бўлмаса ҳам аччиқ чой қуйиб бераман, — деди терговчи Аббоснинг елкасига қоқиб. Терговчининг нияти, уни ички ишлар идорасига олиб бориб, гумондорлар билан рўпару қилиш эди. Улар хайрлашишиди.

Терговчи эрталаб идорага кириб келганда уни Аббос кутиб турганини кўрди.

— Бугун юрагимдаги бордадарни сизга айтгани келдим, — деди у. — Ўша йигит синглим билан бирга яшарди. Унинг келганини кўриб, тутокиб кетдим. Синглимни бебурд қилганинг етар, у энди йўқ, йўқол!

— дедим. Унамади. Бир-икки марта қамалиб чиқсан танишим бор эди, ўшани топтириб келдим. Кўлига "кўк"идан бериб ўлдиришини ўқтирдим. Пулнинг ярмини "иш"ни баҳарип бўлгандан кейин олишини айтдим. Унга ўша ифлосни қабристондан қайтаётганимизда ўлдиришини тайинлагандим, негадир уни эшигимиз олдида ўлдириб қўйди. Бор гап шу. Кеча учрашгандарим ичидан ўша ёлланган қотил ҳам бор эди. Уларни мен учрашувга чақиргандим. Бу орада сиз келиб қолдингиз. Мен уни роса уришдим. Қабристонда ўлдирганингда шунча галва йўқ эди, дедим. У эса сен уни ўлдириш учун пул бердинг, мен айтганингни килдим. Қолган пулни берасан, деб туриб олди. Алам устида нима иш қилиб кўйганимни билмайман.


Терговчи йигит Аббосга чой узатаркан, унинг аламдан ёнаётган кўзлари, ғазабдан қалтираётган кўлларига тикилди.

— Кеч бўлса ҳам айбингизни тан олиб келибсиз. Мен биринчи сұхбатдаёқ кўп нарсани билиб олгандим. Лекин далил-исботсиз сизнинг кўлингизга киши солиши эрта эди. Шунинг учун идорага таклиф қилгандим.

Аббос нигохини ерга қадаганча ўтириб қолди.

Зарифа УСМОНОВА.

АЗА КУНИДАГИ



Хаммаси ҳам болам. Нозима оиласидан ажрагани етмагандай якинларининг тазийиқига учраб ўксимасин, дебман-да. Мен ўшанда катта хатога йўл қўяётганимни билмагандим. Аттанг...

— Кизингиз билан бирга юрган йигитни танийсизми? — деди терговчи. — Таъзия билдириб келганларнинг ичидан у ҳам бормиди?

— Айланай, болам, қизимнинг мусибати билан бўлиб келганларга эътибор бермабман. Мен-ку у йигитни бирор маротаба ҳам кўрмаганман. Кичик ўғлим бир куни иккалаши бозор қилиб юришганда кўриб қолиб, роса жанжал қилганди. Балки у билар, — деди.

Таъзия билдириб келаётганларни кузатиш билан банд бўлган Аббоснинг олдига терговчи йигитни борди. Унинг қўлидан секингина тутиб, четроқча ўтиб гаплашиб олиши кераклигини айтди. Иккаласи ҳовлининг бир чеккасига боришиди. Шунда терговчи синглимни кўрмадим. Чунки мен оиласи билан бошқа маҳаллада яшайман. Синглимни деб ота-

зор қилиб юрганини кўриб қолдим. Ўзимни тутиб турга олмадим. Бориб ўша йигитга мушт туширдим. Синглим бизни ажратмоқчи бўлди. Унга ҳам шапалоқ тортиб юбордим. Бир зумда оломон йифилди.

Хеч ким бизни ажратса олмасди. Мен уни ўлдираман деб, пўписа қила бошладим. Шу орада қаердандир ички ишлар ходими келиб қолди. Иккалашини тартибга чақириб, ажратиб қўйди. Мен уст-бошларимни қоқдим, сўнг синглимга бирга ўйга кетишини айтдим. У кўнмади. Атрофда йигилганлар ичидан таниш-билишлар ҳам борлигини кўриб хижолат бўлдим. Индамай ўйга кетавердим. Ўйга бориб онам билан жанжаллашдим. Нима учун қизингизни қилиб юрган ишидан воқиф бўла туриб бизга айтмадингиз, деб уришдим. Онам бечора йиғлашдан нарига ўтмасди. Бақири-бақириб ўйдан чиқиб кетдим. Шу-шу синглимни кўрмадим. Чунки мен оиласи билан бошқа маҳаллада яшайман. Синглимни деб ота-

тушунарсиз бизни, — деб қўл силтаганча ўйга қараб кириб кетди.

Терговчи жойида туриб қолди. Қотил шу эмасмикин, деган хаёлга борди. Синглими деб муштлашганини айтди. Агар айтгандарни тўғри бўлса, у йигитни азага келганини кўрган ва ҳамма тобутни кўтириб машинага солиш билан овора бўлаётган пайтда орқа томонидан пичоқ санчган бўлиши мумкин, деб ўйлади. Буни исботлаш кераклиги ўйлаб, хонадонни тарк этди. У маҳалла оқсоқолидан ўша куни таъзия билдириб келганлар ичидан ёт одамлар бўлган-бўлмаганини суриштириди. Аммо ҳаракатлари самара бермади. У яна мархумнинг акаси олдига борди.

— Ука, — деди терговчи. — Таъзияга келган икки ёт йигитни аниқладик. Сиздан илтинос, марҳумнинг ҳурмати, бир бориб ўшаларнинг сизларга қандай яқинлиги борлигини аниқлашда ёрдамлашсангиз яхши бўларди.

— Ҳозир вақтим йўқ, кейин-

Республика ИИБ Академияси раҳбарияти ва шахсий таркиби башкорма ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони навбатчилик кисми катта инспектор-навбатчи, майор Ф. Хасановга турмуш ўртоғи

Каримахон СОЛИЕВАНинг вафот этганлиги муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши, ички ишлар идораларининг фахрийси, истеъфодаги полковник

Ҳасан ИБРАГИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Ромитан тумани ИИБ ЕХБ бошлиғи, майор Т. Кодировга ўғли КАМОЛНИНГ бевақт вафот этганлиги муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони навбатчилик кисми катта инспектор-навбатчи, майор Ф. Хасановга турмуш ўртоғи Каримахон СОЛИЕВАНинг вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия изҳор этадилар.

Республика ИИБ Академияси раҳбарияти ва шахсий таркиби серхантар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курси вазор сардорининг ўринбосари, лейтенант С. Соатова онаси

САОДАТ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Қиши таровати



Давлат, хусусий ҳамда мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари дикқатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШКАРМАСИ
2005 йил 4 февралдан 4 марта гача
Куйидаги маҳсулотларни

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ БҮЙИЧА ТЕНДЕР САВДОСИННИ ЪЛОН КИЛАДИ

- Махсус буюртма учун ярим жун матолари;
- Махсус буюртма учун кўйлак матолари;
- Махсус буюртма учун астарлик матолари;
- Махсус буюртма учун сунъий жун толаси.

Тендер куйидаги кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳар, 700070. Ш. Руставели кўчаси, 1-берк кўча, 1-уи.
Тел.: 8 10 998 (3712) 557672,
558503, 557512
Факс: 8 10 998 (3712) 1512373,
1512372, 1523049
E-mail: umtvs@uzpak.uz

О'zbekiston RESPUBLIKASI IV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir Shuhrat MURODOV


Bosh muharrir o'rbinbosari Erkin SATTOROV	Navbatchi Qobiljon SHOKIROV
Mas'ul kotib Rahmatilla BERDIYEV	Sahifalovchi Zokir BOLTAYEV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rbinbosari 54-37-91.
Kotibiyat 139-73-88.
Muxbirlar 59-27-15.
139-77-23.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 132-05-51.

E-mail:
urmyd@globalnet.uz

КУРОРТ ҲАҚИДА ЭШИТМАЙСИЗМИ?

(ДАНГАСАНИНГ ДАБДАБАСИ)



Ҳажвия

Киши баҳти бўлиши учун нима керак? Бир чойнак аччиқ кўк чой бўлса бас. Уни шопириб-шопириб иссиқ-иссиқ иссанг. Ичинг сидирилиб кетмасин десанг чойнинг ёнида ёғлиқина палов ҳам бўлса, нур устига аъло нур. Ошни қиши кунида бирор тузланган помидор, бодринг билан ейишни хуш кўради, кимгadir турп маъқул. Унга қатиқ қўшиб ейдиганлар ҳам топилади. Энди ошдаям ош бор-да. Кўй ёғиу кўй гўшти солиб пиширилганига нима етсин. Бунинг устига девзира гуручдан бўлса, оҳ-оҳ-оҳ! Саримсоқлиёни бутун бостириб дамлассанг. Бехи дейсизми, ҳа, майли сиз беҳи бостира қолинг. Шахсан менга беҳилик ош ёқмайди, бўшашиб кетади, шовлага ўҳшаб қолади. Бир ошам гуручга бир тўғрам гўшт тўғри келса. Қошиқдамас, кўлда есангиз. Ёғи била-гинизгача оқиб борса. Бай-бай-бай!

Билган одам ошдан олдин ҳам, ош еяётган пайтида ҳам чой ичмайди. Помидор шарбати бўлса бошқа гап. Унга бир чимдим майда туз сепиб иссангиз ёғдек кетади. Анор сувига ҳам гап йўқ. Шахсан мен ҳалигининг ишқибози эмасман. Аммо ичадиганлар ошнинг остида қолдиргани яхши дейишиади.

Ошдан кейин бир тилимдан қовунми-тарвузми дегандай. Иккovi бўлса янамина яхши. Ҳа, ана ундан кейин хандон писта, бодом, майизлардан эрмак қилиб, дам еб турган кўк чойни шопириб-шопириб иссиқ-иссиқ иссангиз, бунақа роҳатни ер юзида тополмайсиз.

Камина кийим-кечакка ўч эмас. Бир доно одам айтганидек, кийимни ямаса бўлади, аммо қоринни ямаб бўлмайди. Нимадир дедингизми? Бунақа яйраб овқатланиш учун тер тўқиб меҳнат қилиш керак деяпсизми? Ие, қаёқка? Ҳамкасб оғайниларингиз чақиришган? Ошгами? Кўй ёғи, девзирагуруч? Мен сизга курорт ҳақида гапириб бермоқчи эдим...

ХУРШИД.

Дўппи тури	Самар ... (шонира)	Санъат соҳаси	Сув севар дои	Мусинка ёзуви
Торли чолгу	Мактуб	Халқ мақоми	Баҳор гули	Субҳидам
Америка адаби	Тарихий шаҳар	Қон томони	Ўғирнинг адаши	Кўркам куш
Инерт газ	Бизга яқин девгиз	Газ модда	Каспий бўйи шаҳри	Шимолий худуд
Адабий жаири	Пурумаркази	Аёл неми	Француз бастакори	Яхна таом

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:
ЭНИГА: Айёр. От. Марадона. “Она”. Венд. Одил. Кабобпазлик. Бак. Билим. Рудакий. Куй. Динамика. Кран. Ёв. Марварид. Марка. Отаниёзов. Ой. Қадр. Бах. Номаълум. Бўйига: Дор. Ва. Лад. Икки. Ор. “Одина”. “Баёт”. Уй. Ниш. Илдам. Уй. Илдизмева. Арк. Мирзо. Модда. Кларк. Нов. “Спартак”. Ўрда. Ава. Баён. Ён. Эл. Машхурда. Космонавтика. Жайрон.

Obuna raqamlari:
Yakka tar比ida — 180
Tashkilotlар uchun — 366
Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Bosishga topshirish vaqtli — 21.00.
Bosishga topshirildi — 21.00.
«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodi uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.
N — Internet va xorijiy matbuot yosalitalari asosida tayyorlandi.